

**3-синф “Она тили” дарслигида синтактик билимларининг
берилиши**

***Жамолиддинова Д. филология фанлар номзоди
БТМ кафедраси мудури***

***Халилов М. филология фанлари номзоди, катта
ўқитувчи***

***Орипова И. ҚДПИ Бошланғич таълим
йўналиши 1-босқич магистранти***

Она тилидан синтактик билимлар бериш ҳеч қандай назарий маълумотларсиз амалий равишда боғчадан бошланади.

“Болажон” таянч дастури бўйича мактабгача таълимда “нутқ ўстириш” дарсларида амалий синтактик билим ва тушунчалар, синтактик маълумотлар бериш катта аҳамият касб этиш алоҳида таъкидланган.

Мактабда, бошланғич таълимда синтактик билимлар бериш савод ўргатиш ва нутқ ўстириш дарсларидаёқ маълум даражада амалий равишда бериб, ўргатиб борилади. Демак, мактабдаги савод ўргатиш ва нутқ ўстириш машғулотларида боғча, яъни мактабгача таълимда бериладиган синтактик билимларни ривожлантирган ҳолда янги-янги синтактик маълумотлар, тушунчалар ва билимлар бериб бориш мактаб таълимининг ҳар қандай меъёрий ҳужжатларида қайд қилиб ўтилган. 1-синфнинг 1-яримида олиб бориладиган савод ўргатиш ва нутқ ўстириш (60 соат ўқишга ўргатиш, 60 соат ёзувга ўргатиш) дарсларининг ҳар бир босқичида синтактик билимларга мурожаат қилмай иложимиз йўқ.

1-синф она тили дарслари (ўқув йилининг иккинчи ярми)да синтактик билимларни ривожлантириш, мустаҳкамлашга дарсдан – дарсга купрокъ эътибор берилишига дастур ва дарсликларда кенг ўрин берилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Биринчи синфда олиб бориладиган ҳар бир она тили дарсида синтактик билимлар бериш гап тузиш, матн тузиш (оғзаки, ёзма; купрокъ оғзаки), савол бериш, жавоб қайтариш, суҳбат, диалог, тест карточкалари, нуқталар ўрнига сўз қўйиш, берилган таянч сўзлардан гап тузиш орқали амалга оширилиши мумкин. (Бу ишлар дарснинг турли босқичларида қўлланилиши эътироф этилган).

Синтактик билимлар 2-синфдан бошлаб анчагина кенг ва чуқурлаштирилади. Дарсликнинг илк саҳифаларидаёқ ҳикоя, матн тузиш, саволларга жавоб бериш (оғзаки ёки ёзма) ишлари қўлланилади. Ҳатто гаплар оғзаки нутқда ва ёзма нутқда бир-биридан қандай ажратилиши ҳақида ҳам билимлар беришга мурожаат қилинади. Демак, синтактик билимлар 2-синфда пунктуацияга, морфемика ва орфографияга боғлаб ҳам ўргатиб борилиши назарда тутилади. 2-синфда синтактик билимлар дастур бўйича “гап ва сўз”, “нутқ, матн, гап”, “сўз ва гап” ва гап мавзулари негизида бериб борилади. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, она тили

дарсларида бирорта мавзу йўқки синтактик билимларни, маълумотларни, кўникма ва малакаларни эсламай иложимиз йўқ.

Чунки ҳар қандай лингвистик билим бериш жараёнининг марказида синтактик билимларнинг мағзи-гап ётади.

Она тили бўйича бериладиган ҳар қандай билим, тушунча ва маълумотлар гап асосида олиб борилади. Ҳоҳ фонетик, ҳоҳ морфологик, ҳоҳ орфографик, ҳоҳ морфеник, ҳоҳ лексик билим бермайлик, буларнинг барчаси гап асосида берилади. Демак, она тилидан ҳар қандай билимлар берилишида гап асосий фигура ҳисобланади синтактик билимларнинг асосий мазмунини ҳам гап ташкил этади. Шунингдек, гапнинг тузилишига кўра турлари, ифода-мақсадига кура турлари, гап бўлаклари, сўз бирикмаси кабилар синтактик билимларнинг моҳиятини белгилаб беради.

Гап ва унинг моҳиятини белгилаб берувчи тушунчаларни яхши билиб олган ҳар бир ўқувчи бурро-бурро гапира олади. Гапга чечан бўлади. Мустақил фикр юрита олади. Ўз фикрини эркин ифодалай олади.

Гап ҳақида яхши илмга эга бўлган ўқувчининг дунёқараши, мустақиллиги, ижодкорлиги ва одоб-ахлоқи ҳам юқори савияда бўлади. Она тили дарсликларида бунга катта эътибор берилганки, она тили дарслари ҳам булар билан безаклидир.

Биз бу мақоламизда 3-синф она тили (С. Фузайлов, М. Худойберганова, Ш. Йўлдошева, Она тили, умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик, қайта ишланган 12-нашри “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент-2012) дарслигида синтактик билимларнинг берилиши ва уларнинг ўқув дастурига мувофиқлиги юзасидан фикр билдирамиз.

Дарслик “Такрорлаш” деган бўлим билан очилади. Бўлим “Нутқ, гап, сўз” деган мавзуларни ҳам ўз ичига олади.

Синтактик билимларни эгаллашнинг аҳамияти шундаки, дарсликнинг, дарсликдаги 1-машқнинг ўзиёқ аввалги синтактик билимларни такрорлаш, мустаҳкамлашга эътиборни қаратади.

1-машқ. Расмни кўринг.

(Катта мактаб 3 қавватли мактаб расми берилган)

Расм асосида 4-5та гапдан иборат ҳикоя тузинг. Ҳикоянгизга сарлавҳа топинг. Машқнинг шартидан, вазифасидан, топшириғидан кўриниб турибдики, машқ синтактик билимларга суянган ҳолда бажарилади.

2-машқ ҳам синтактик билимларни такрорлашга, мустаҳкамлашга улар ҳақида кўникма ва малака ҳосил қилишга қаратилган. Ҳатто “ўйлаб кўринг” шарти белгиси остида “гаплар нималардан тузилади?” саволи ҳам берилган. Шу билан бирга гаплар бир-биридан қандай фаркланади? Гаплар нималардан тузилади? Охирги гапни кўчиринг! Каби топшириқларни бажаришни ҳам кўзда тутати.

“Такрорлаш” бўлимининг таркибига киритилган “Нутқ. Гап. Сўз” мавзуларининг моҳияти шундан иборатки: гапларнинг сўзлардан тузилиши нутқнинг гаплардан ҳосил бўлиши; нутқнинг матн (оғзаки, ёзма)лар ҳосил қилиши юзасидан билимга эга бўлиш, гап, нутқ, матн ва сўз тушунчаларини

бир-биридан фарқлашга одатлантиришдан иборатдир. Нутқнинг ёзма шакли “матн”; бир мавзудаги бир нечта оғзаки гапнинг “нутқ” ҳисобланиши ҳақида 3-синф она тили дарслигида 19 та машқ асосида синтактик билимларни такрорлайди, мустаҳкамлайди, уларни умумлаштиради, маълум даражада янги билимлар беришга ҳаракат қилинади, шунингдек, “Нутқ. Гап. Сўз” мавзуларига пунктуацион ва орфографик билимларнинг боғланиши ҳам мавзуларни ўқувчиларнинг зўр қизиқиш билан ўрганишлари учун катта ҳисса қўша олиши шубҳасиздир. Нутқ ва матндаги гаплар мазмунан бир-бири билан боғланади. Гапда эса сўзлар бир-бири билан боғланади, булар ҳақида ўқувчилар пухта билимга эга бўла оладилар.

5, 6, 13-машқлар синтактик-пунктуацион, 7, 8, 18, 19-машқлар пунктуацион-орфографик билимларни текшириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ва пухталаш учун хизмат қилади. Демак, дарсликнинг такрорлаш бўлими ҳам маълум даражада синтактик билимларни такрорлаш орқали уларни бир тизимга-тушунчага бирлаштиради, умумлаштиради, синтактик билимларнинг оғзаки ва ёзма нутқдаги амалий аҳамиятини далиллар (мисоллар) орқали кўрсатиб, ифодалаб бера олади. Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, дарсликнинг ҳар бир машқда синтактик билимларни эсга олиш зарурати албатта бўлади. Ихтиёрий мавзуни, машқни олманг синтактик билимларни хотирага олмай иложимиз йўқлигига амин бўласиз.

1, 2-синф она тили дарсликларида ва она тили дарсларида синтактик билимлар ҳеч қандай назарий фикрларсиз, тушунчаларсиз амалий равишда ўргатиб келинар эди. 3-синф она тили дарслигининг “Такрорлаш” бўлимида ҳам маълум даражада назарий билимлар берилган шу кунгача амалий бўлиб келган тушунчаларга 3-синф ўқувчисининг ёшига, савиясига мос назарий маълумотлар берилган. Демак, мазкур бўлим мавзуларини ўрганишда 2-синфда берилган гап ҳақидаги билимлар такрорланади, умумлаштирилади, чуқурлаштирилади ва янги синтактик билим сифатида гапнинг таърифи берилади, ўргатилади: яъни “Гап тугалланган фикрни билдиради” деган гапнинг таърифи, қоидадини ўргатиш 3-синфдан бошланади.

3-синф она тили дарслигида “Гап” сарлавҳаси билан битта бўлим (28-53 саҳифалар) берилган. Бўлим мавзуларини ўрганишга дастур бўйича 40 соатга мўлжалланган. Шундан 12 соат машғулотда гап мавзуси юзасидан янги билимлар берилади. Бу янги назарий билимлар аввалги билимларга суянган ҳолда бериб борилади.

“Гап” бўлими 9та мавзуни ўз ичига олади. Бўлимда гапнинг барча хусусиятлари юзасидан ҳам амалий, ҳам назарий маълумотлар берилади. Бўлим мавзуларини ўргатиш жараёнида 4та ёзма иш ўтказилиши лозим. 24 соат мустаҳкамлаш, яъни машқ ишлаш дарслари ўтказилади. Бўлим саҳифаларида берилган гап ва унинг айрим хусусиятлари бўйича янгича назарий ва амалий синтактик билимлар 12 соат машғулотда ўргатиш учун мўлжалланган. Барча мавзулар юзасидан ўзбек тилининг синтаксис бўлими бўйича янги назарий ва амалий билимлар ўзбек тилининг фонетика, морфемика, морфология, орфография, орфоэпия, пунктуация ва

лексикология бўлимларига боғлаб ўргатилишида дастур ва дарслик мувофиқ келади.

Дарсликнинг “Гап” бўлими “Гапнинг мақсадига кўра турлари”, “Дарак гап”, “Сўроқ гап”, “Буйруқ гап”, “Ҳис-ҳаяжон гап”, “Гап бўлаклари”, “Бош бўлаklar”, “Иккинчи даражали бўлаklar”, “Гапда сўзларнинг боғланиши” каби гапнинг асосий белгиларини маълум даражада ифодалаб берадиган мавзуларни ўз ичига олди. Ушбу мавзулар бўйича ўзбек тилининг синтаксис бўлими юзасидан бир талай янги назарий ва амалий билимлар бериш режалаштирилган. Бу саҳифаларда берилаётган синтактик билимлар назарий грамматика бўйича ўқувчиларнинг ёшига ва савиясига мослиги, лўнда, ихчам ва таъсирчанлиги, мазмунли, содда ва юқори савияда эканлиги билан ажралиб туради. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ўзбек тилининг синтаксисига доир бундай билимлар ўзбек тилининг барча бўлимларига боғлаб ўргатиб боришни кўзда тутди. Айниқса айрим мавзуларнинг фонетика, орфография ва пунктуацияга боғлаб ўргатилиши айтиш мақсад бўлганлигини эътироф этиш жуда ўринлидир. Дарсликни қўлга олиб ҳар бир машқнинг шартини ўқир экансиз, Сиз ҳам бунга гувоҳ бўласиз.

Дарсликда берилган “Гап тугалланган фикрни билдиради деган назарий фикр ўқувчилар учун янгиликдир. Бу синтактик билим ёзувда ҳар бир гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан ёзилади”- Бу ўқувчилар учун синтактик тушунчага боғлаб ўргатилиши лозим бўлган янги орфографик билимдир. “.....охирида тиниш белгиси қўйилади”. (28-бет) ифодаси синтактик билимни пунктуация билан боғлаб ўргатишдир. Ёки “Бирор нарса-воқеа ҳақида хабарни билдирган гап дарак гап дейилади”. Дарак гапнинг охирида овоз пасаяди. Дарак гапнинг охирига нуқта (.) қўйилади... каби дарсликда берилган назарий маълумотлар синтактик билимларни она тилимизнинг фонетика ва пунктуация бўлими билан боғлаб ўргатишни тақозо этади.

Дарсликда синтактик билимлар беришга 26 саҳифа, 9та мавзу, 68та машқ, 11 жойда янги назарий маълумотлар, 5та “Ўйлаб кўринг!” топшириғи, 31та уй вазифаси, 23та саҳифа синтаксис бўлимига доир синтактик тушунча ва маълумотлар, 8та расм, 13та шеър, 9та топишмоқ, 16та мақол ва 6та тез айтиш, 1та бўлим юзасидан “Билимингизни текширинг!” мавзусида 5та савол берилган. Буларнинг барчаси 3-синфда она тили бўйича бериладиган ўзбек тилининг синтаксис бўлимига мансуб бўлган синтактик билимларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Агар дарсликда “Гапнинг тузилишига кўра турлари” ҳақида билимлар берилганда нур устига аъло нур бўлар эди. Негадир бу мавзу эътибордан четда қолганга ўхшайди.

Жамолиддинова Д. филология фанлар номзоди
БТМ кафедраси мудири
Халилов М. филология фанлари номзоди, катта
ўқитувчи
Орипова И. ҚДПИ Бошланғич таълим

3- синф “Ўқиш китоби”нинг биринчи бўлимидаги айрим янгиликлар хусусида.

Бошланғич синфларда дарсликларни 4-5 йил оралиғида қайта нашр этилиши йўлга қўйилди. Бу ҳолат дарсликларни қайта ишлашга, янгисини яратишга, танлов ва тендерлар ўтказишга катта имкониятлар яратиб бераётганлиги шубҳасиздир.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда ўқиш ўзбек тилида олиб борилаётган миллий мактабларимизнинг, яъни умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун чоп этилган ўқиш китоби¹ дарсликларга қўйиладиган талабларнинг барчасига тўлиқ жавоб бера олиши билан ажралиб туради. Дарҳақиқат мазкур дарслик саҳифаларидаги янгиликлар анчагина.

Аввало дарслик муаллифлари ҳам ўзгарди. Дарсликнинг дизайни, бўлимларнинг айримларининг номланиши янгича бўлди.

Ватан посбонлари бўлими “Ватан ҳимоячилари” деб, “Тенгдошлар” бўлими – “Орзулар қанотида” деб, “Баҳор манзараси ва меҳнат” бўлими – “Келди баҳор-гулбаҳор”, “Ёз манзараси ва меҳнат” бўлими – “Ёз фасли-соз фасл” деб янгича номланди. Демак, 13 та бўлимдан 4 таси бошқача номланишга эга бўлгани ҳолда 13 та бўлим тўлиқ сақланиб қолинди.

Дарсликнинг биринчи бўлимининг номи аввалгича қолган – “Она-битта, Ватан ягона”, лекин мазкур бўлимдан олдин Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳиясининг тўлиқ матни нақорати билан берилган, яъни аввалги дарслик мадҳия билан очилар эди. Мазкур дарслик 1-ва 2-синф ўқиш китобларидаги анъанани давом эттирган ҳолда “Ўзбекистон – Ватаним менинг” (1-синф), “Она юртим – олтин бешгим” (2-синф) бўлими номланишига ҳамоҳанг бўлган “Она битта, Ватан ягона” (деган биринчи бўлим номланишининг, аталишининг, шиорнинг) жумласининг бутун бир салоҳияти, салмоғи, жарангдорлиги, кадр-қимматини ғурур ва ўзбекона тамойил билан атагандай бўлиб туриши ўқувчини тўлқинлантирмай қолмайди.

Таҳлил қилинаётган дарсликнинг ўзидан олдин нашр этилган дарслик билан биринчи бўлимнинг номланиши бир хил, ўзгартирилмаган бўлса ҳам, эски дарсликнинг ушбу бўлими (“Она битта, Ватан ягона”)даги кўплаб мавзулар олиб ташланган (улар 10та) ва уларнинг ўрнига бошқа мавзулар, яъни матнлар киритилганлигидир, фикримиз исботи учун аввалги

дарсликлагги (М.Умарова, Ш.Ҳакимова “Ўқиш китоби”. Умумтаълим мактабларининг учинчи синфи учун дарслик. Тўлдирилган тўққизинчи нашри, “Чўлпон” номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент - 2008) бўлим мавзуларидан қайсилари олиб ташланган ва 2012 йилги дарсликка қандай мавзулар киритилган, уларнинг умумий хусусиятлари ва жанрлари ҳақида изоҳлар, таққослар ва қиёслар келтиришни зарур деб билдик.

Умуман олганда, амалда қўлланаётган “Ўқиш китоби” ҳар томонлама (бўлимлар, жанрлар, мавзулар бўйичагина эмас, дарслик билан ишлаш

1. қаранг: М.Умарова, Ҳ.Ҳамракулова, Р.Тожибоева. “Ўқиш китоби”. Умумий ўрта таълиммактабларининг 3-синф учун дарслик. “Ўзбекистон” нашриёт – матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2012 йил.

юзасидан ҳар бир саҳифада, ҳар бир мавзу – матндан сўнг савол ва топшириқлар берилганлиги, расмларнинг аниқлиги, мавзуга мослиги, шеърӣ асарлар, ҳикоя, эртак, масаллар, латифа, ривоят, ҳикоят, тез айтишлар, мақоллар, топишмоқлар ва илмий – оммабоп матнларнинг берилиши билан олдинги дарсликдан анча устунликка эга) пухта ишланганлиги, такомиллаштирилганлиги билан ҳам ўзининг сифат ва салмоғига муваффақ бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Аввалги “Ўқиш китоби” (2008й) дарслигида берилган “Ўзбекистон республикасининг Давлат Мадҳияси”, “Ўзбекистон республикасининг Давлат байроғи”, “Ўзбекистон республикасининг Давлат герби”, “Истиқлол фарзандларига” (А.Орипов), “Ватан ҳақида шеър” (А.Авлоний), “Ўзбегим” парча (Э.Воҳидов), “Ўктам авлод” (А.Обиджон), “Билиб қўйки, сени Ватан кутади” (Т.Малик), “Дадам қурган денгиз” (Ҳ.Назир) ва мақоллар каби мавзу-матнлар 2012 йилги “Ўқиш китоби” дарслигига киритилмаган. Яъни улар дастурдан ҳам, дарсликдан ҳам олиб ташланган.

Буларнинг ўрнига “Ўзбекистон” (Ориф Тўхташ), “Ватан” (Миразиз Аъзам), “Мустақиллик аҳилликдан” (Пўлат Мўмин), “Ватан ифтихори” (Ойгул Суюндиқова), “Обод маҳалла бўйлаб” (Кавсар Турдиева), “Она-Ватан” (Муҳаббат Ҳамидова), “Ватан” (Эркин Маликов) саҳна ва мақол каби турли жанрдаги мустақиллигимизнинг 22 йиллигига мос матн-мавзулар киритилди.

Бу янгидан киритилган, амалдаги 3-синф “Ўқиш китоби”нинг биринчи бўлими саҳифаларидан ўрин олган, юқорида муаллифлари ва номлари келтириб ўтилган матн-мавзуларнинг умумий хусусиятлари, яъни таълим-тарбиявий, маънавий-ахлоқий қиммати, яхши ўқиш малакаси сифатларини ривожлантириш, матнларнинг педагогик ва психологик, илмий ва илмий-методик жиҳатдан ўқувчилар ёшига, савиясига мослиги бўйича баъзи мулоҳазаларни ҳам келтирамыз.

Ўзбекистон Халқ шоирлари Э. Воҳидов ва А. Ориповларнинг асарларини 3-синф “Ўқиш китоби” дарсликларида чикариб ташланишига ҳеч қандай ажабланишнинг кереги йўқ. Чунки истеъдодли шоирларимизнинг қаламига мансуб бўлган ва юқорида номлари келтирилган асарлар, ижод намуналари, шеърлар 3-синф ўқувчиси учун оғирлик қилади. Ҳақиқатан ҳам улуғ шоирлар ижодига мансуб бўлган “Ўзбегим” (парча) ва “Истиқлол

фарзандларига” шеърларининг 3-синф ўқувчисининг ёшига мос келмаслиги ўз вақтида айtilган эди.

2012 йилда нашр этилган “Ўқиш китоби” (3-синф) дарслигига киритилмаган бошқа мавзулар ҳақида ҳам худди шу фикрларни келтириш мумкин.

Амалдаги ўқиш китоби ҳақида фикр-мулоҳазалар юритар эканмиз, аввалги нашрлардаги дарсликлардан фарқли ўлароқ унинг дастлабки саҳифасида берилган юртбошимизнинг: “Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”-деган машҳур фикрининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаридан келтирилишидир. Бу ибратомуз фикр остида Мустақиллик майдонида учинчи синф ўқувчиларининг шод-хуррамлик билан жилмайиб турган расмларининг берилиши ҳам фикримизни исботлайди.

Дарсликда бўлим номлари катта ҳарфларда қизил ранг сиёҳ билан берилганлиги учун ҳам ярқ этиб кўзга ташланади.

Дарсликнинг “Байрамингиз қутлуғ бўлсин” номли асар билан очилиши ушбу дарсликнинг қимматини янада ошишига катта ҳизмат қилган. Чунки матнда мустақиллик неъматини оддий, ҳаётий сўзлашув услубида ўқувчиларга сингдирилади. Бу матн аввалги нашрларда ҳам бўлган, бироқ мустақиллик қисқа изоҳланган эди. Бу нашрда мустақиллик тушунчаси жуда кенг изоҳланган кенгайтирилган, тўлдирилган, болалар учун лўнда, таъсирли маълумотлар берилган. Мустақиллик тушунчаси оддий гаплар, мисоллар, рамзлар асосида қизиқарли ва 3-синф ўқувчисининг ёшига, савиясига мос ҳолда жонли ва мазмунли ифодаланган. Биринчи бўлимда келтирилган барча мавзу-матн ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни келтириш мумкин. Амалдаги дарсликда эски дарсликдаги 9та мавзу сақлаб қолинган. Лекин уларнинг жойлари ўрганилиш тартиби ўзгартирилган, бу эса дарсликнинг қизиқарлилиги ва сифатини оширган.

Бўлимда берилган “Байрамингиз қутлуғ бўлсин” (Дилфуза Камолжонова 3-бет), “Сало, мактаб” (Шухрат 4-бет), “Ватанни суймак” (Азиз Абдураззоқ, 5-бет), мақол (7-бет), “Ўзбекистон” (Ориф Тўхташ, 8-бет), “Ватан” (Миразиз Аъзам, 9-бет), “Ватанимиз герби-туғро ҳақида эртак” (Эркин Маликов, 10-бет), “Мустақиллик аҳилликдан” (Пўлат Мўмин, 11-бет), “Ватан мўътаббардир” (Хуршид Даврон, 12-бет), “Тил қудрати” (Ривоят, 13-бет), “Она тили” (Турсунбой Адашбоев, 15-бет), “Ватан ифтихори” (Ойгул Суюндиқова, 15-бет), “Обод маҳалла бўйлаб” (Кавсар Турдиева, 16-бет), “Она - Ватан” (Муҳаббат Ҳамидова, 18-бет), “Тошкентим - онам” (Мақсуд Шайхзода, 20-бет), “Ўқитувчининг ўғитлари” (Анвар Обиджон, 21-бет), “Ватан” (саҳна) (Эркин Маликов, 23-бет), мақол (25-бет) каби матнлар ўзига хослиги, алоҳида хусусиятлари билан ўқувчилар ҳаётида “Она бита, Ватан ягона”лиги ҳақида унутилмас ва чуқур таассуротлар қолдиради. Сиз ҳам шу жойларни ўқиб чиқинг-а, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Халилов М. Филология фанлари номзоди,

катта ўқитувчи
Хамидова К. БТМ кафедраси татқиқодчиси
Бованова У. ҚДПИ Бошланғич таълим
йўналиши 1-босқич магистранти